

2019 йил 11-13 февраль кунлари Буюк Британия экспертлари “Мадад” - муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотига ташриф буюришди.

2019 йил 11-13 февраль кунлари “Мадад” ННТ ходимлари ва Буюк Британиянинг «Government Partnership International» ташкилоти вакиллари Лейла Броснан (Leila Brosnan), Луси Дарлинг (Lucy Darling) ва Оливер Керр (Oliver Kerr) иштирокида тажриба алмашиш ҳамда фуқароларга ҳуқуқий бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш буйича учрашув утказилди.

Учрашув давомида британиялик экспертлар «Мадад» ННТнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари билан танишиб, ўз тажрибиларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар билдиришди. Томонлар келгусида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор қаратиш ва бу борадаги ўзаро ташрифларини кенгайтиришга келишиб олдилар.



2019 йил 18 декабрь куни “Мадад” - муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти марказий офисига олийдаражадаги хорижий меҳмон ташриф буюрди.

“Мадад” - ННТ фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Буюк Британия ташқи ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Алан Дункан бошчилигидаги делегация ташкилотнинг марказий офисига ташриф буюрди. Ташрифда, фуқароларга ҳуқуқий масалалар буйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш йўли билан бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот портали яратилганлиги, шунингдек ушбу портални яратишда Буюк Британиянинг ушбу соҳадаги илғор тажрибасидан кенг фойдаланилганлиги таъкидлаб ўтилди.



2019 йил 20 декабрь куни “Мадад” - ННТ фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Германия Федератив Республикаси “Ойген Бисер” фонди раҳбари, Бавария федерациясининг собиқ бош вазири Гюнтер Бекштайн ташкилотнинг марказий офисига ташриф буюрди.

Ташриф давомида меҳмон, “Мадад” ННТ марказий офиси ҳодимларининг иш жараёни, “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот порталидан фойдаланиш, порталга келиб тушаётган онлайн мурожаатлар билан ишлаш тартиби ҳамда ундан фойдаланувчилар учун яратилган қулай имкониятлар билан танишди. Ташриф якунида Г.Бекштайн, “Мадад” ННТ ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бу йўналишда Германияда фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлари ва фондлар билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



2020 йил 14 январь куни Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) Ўзбекистондаги расмий вакили

Йорг Пуделка бошчилигидаги ташкилот вакиллари “Мадад” ННТга ташриф буюрди.

Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) халқаро ҳамкорлик бўйича 60 йиллик тажрибага эга бўлиб, жамиятнинг асосий фаолияти ҳамкорлик асосида техник ва ривожланиш бўйича хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, профессионал уқитиш ва узлуксиз таълимни ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, GIZ фуқаролик жамияти институтлари учун ҳам ҳамкор ташкилот сифатида фаолият олиб боради.

Ташриф давомида халқаро ташкилот вакилларига “Мадад” ННТ томонидан жамиятда фуқароларнинг ҳудудий саводхонлик даражасини ошириш ҳамда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар туғрисида атрофлича маълумот берилди.

Шунингдек, меҳмонлар “Мадад” ННТ расмий сайти - “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот портали орқали аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва фуқароларнинг онлайн режимда бепул ҳуқуқий маслаҳат олишлари учун яратилган имкониятлар билан таништирилди.



2020 йил 20 январь куни Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Ронни Хайне бошчилигидаги ташкилот вакиллари “Мадад” ННТга ташриф буюрди.

Конрад Аденауэр фонди 1955 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг Германияда 16 та минтақавий бўлинмалари фаолият кўрсатади. Фонднинг хориждаги ваколатхоналари ҳозирда 120 дан ортиқ мамлакатларда икки юздан ортиқ турли лойиҳаларни, шу жумладан, демократияни мустаҳкамлаш, конун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий бозор иқтисодиёти, нодавлат иштирокчилар (фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) билан мулоқотларни ривожлантириш ҳамда сиёсий хабардорликни юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Фонднинг расмий вакили Ронни Хайне ва “Мадад” ННТ ижрочи директори Тўлқин Турсунов билан ўтказилган учрашувда, ҳар иккала томонлар учун манфаатли бўлган мавзулар юзасидан музокаралар олиб борилди ва ҳамкорликнинг келгусидаги йўналишлари муҳокама қилинди



2021 йил 20 октябрь куни Россия Федерацияси Свердловск вилояти Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Мерзлякова Татьяна Георгиевна “Мадад” ННТ марказий офисига ташриф буюрди.

Ташриф давомида “Мадад” ННТ фаолияти ва фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида тажриба алмашилди. Т.Мерзлякова ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этмоқда.



**2021 йил 15 ноябрь куни Буюк Британиянинг Хукуматлараро ҳамкорлик хизмати (GPI)
ходимлари “Мадад” ННТмарказий офисига ташриф буюрди.**

Буюк Британиянинг Хукуматлараро ҳамкорлик хизмати (GPI) билан ҳамкорликда “Мадад” ННТ марказий аппарати ходимлари учун “Буюк Британияда ННТлар фаолияти” ва “Citizen Advice ташкилоти тўғрисида”ги мавзуларда хорижий экспертлар M.Gallagher ҳамда Q.Oliver иштирокида семинар-тренинг ташкил қилинди.

Тадбирда халқаро ташкилот экспертлари томонидан Муассаса фаолиятини хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштиришга оид тақдимотлар намойиш этилди.



2022йилнинг 15 март куни “Мадад” ННТ вакиллари Буюк Британиянинг Марказий Осиё бўйича минтақавий дастури менежери Пол Роббинсни қабул қилди.

Тадбир давомида Пол Роббинс “Мадад” ННТ томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш ва аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш қамровини янада кенгайтириш бўйича амалга оширилган ишлари билан танишди ва ўзаро ҳамкорлик натижалари бўйича ўзининг кўплаб ижобий фикрларини билдирди.



2022 йилнинг 11 апрель куни “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директори Тўлқин Турсунов Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Шарлотта Адриан билан учрашди.

Учрашувда “Мадад” ННТ раҳбари Тўлқин Турсунов иштирокчиларни ташкилот фаолияти ҳақида таништириб, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш ҳамда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу нодавлат ташкилоти ташкил этилганлигини, ташкилот бугунги кунда фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича бевосита ва онлайн режимда бепул юридик ёрдам кўрсатиб келаётганлигини маълум қилди.

Ўз навбатида, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Шарлотта Адриан “Мадад” ННТ фаолияти билан батафсил танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Учрашув давомида, томонлар ўзларининг фаолияти учун қизиқарли бўлган масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар алмашиб, ҳамкорликнинг келгусидаги истиқболли йўналишларини муҳокама қилди.



2022 йил 14 июнь куни “Мадад” - нодавлат нотижорат ташкилотида Туркия Ҳамкорлик ва Мувофиқлаштириш Агентлиги (Т1КА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жамалеттин Туней билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув давомида “Мадад” ННТ ижрочи директори Т.Турсунов меҳмонни ташрифи билан самимий қутлаб, 2019 йилда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Муассаса ва унинг ҳудудий бюрolari ташкил этилганлиги, бугунги кунда ушбу ташкилот томонидан фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича бепул юридик ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини оширишга кўмаклашиб келинаётганлигини маълум қилди.

Шунингдек, Т.Турсунов меҳмонга “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот портали, унда фойдаланувчилар учун яратилган қулайлик ва имкониятлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Учрашув якунлари бўйича, томонлар ўзаро манфаатли масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашдилар ва ижтимоий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш бўйича келгусидаги истиқболли режалар ҳақида келишиб олдилар.



2022 йилнинг 23 август куни “Мадад” - муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотида Финляндиянинг Хелсинки университети ҳузуридаги қонун устуворлиги маркази директори Туия Бракс раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув давомида “Мадад” ННТ ижрочи директори Т.Турсунов делегация аъзоларини мазкур ташриф билан самимий кутлаб, 2019 йилда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Мадад” ННТ ва унинг ҳудудий бюрolari ташкил этилганлиги, бугунги кунда ушбу ташкилот томонидан фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича бепул юридик ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини оширишга кўмаклашиб келинаётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, Т.Турсунов “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот портали, ундан фойдаланувчилар учун яратилган қулайликлар ва имкониятлар ҳамда туман (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюрolari фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди.



2022 йилнинг 17 ноябрь кuni Беларусь Республикаси адлия вазири Сергей Хоменко бошчилигидаги делегация аъзолари “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилотига ташриф буюриб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Муассаса ижрочи директори Т.Турсунов, меҳмонларга, “Мадад” ННТ Хукуматнинг 2019 йил 6 сентябрдаги қарорига асосан жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш ҳамда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилганлигини таъкидлаб, ташкилот томонидан ўтган 3 йилдан ортиқ вақт мобайнида амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди.

Учрашувда меҳмонлар Ўзбекистонда аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида яратилган бу янги тизим, қолаверса, унинг бугунги кундаги имкониятлари ва келажакдаги истиқболлари хусусидаги маълумотлар уларда катта қизиқиш уйғотганлигини, шунингдек, келгусида бу борада ҳамкорлик қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



2023 йилнинг 14 март куни Мадад” ННТга Буюк Британиянинг “Citizens Advice” нодавлат ташкилоти вакиллари ташриф буюрди.

“Мадад” нодавлат нотижорат ташкилотига Буюк Британиянинг “Citizens Advice” нодавлат ташкилоти Бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича директори Д.Маршалл бошчилигида делегация ташриф буюрди.



2023 йилнинг 25 апрель куни “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотида Конрад Аденауэр фондининг Осиёда қонун устуворлиги дастури директори Штефан Самсе (Stefan Samse) билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув давомида “Мадад” ННТ ижрочи директори Т.Турсунов меҳмонни ташрифи билан самимий қутлаб, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш ҳамда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ташкилот ва унинг туман (шаҳар) ҳуқуқий маслаҳат бюрolari ташкил этилиб, аҳолига ҳуқуқий масалалар бўйича бегараз ёрдам кўрсатиб келаётганлигини маълум қилди.



2023 йилнинг 17 май куни Буюк Британия парламенти Жамоатлар палатасининг Халқаро муносабатлар қўмитаси раиси Алисия Кёрнс бошчилигидаги делегация аъзолари “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилотига ташриф буюрди.

Ташриф давомида “Мадад” ННТ раҳбари Т.Турсунов, меҳмонларни ташриф билан самимий қутлаб, ташкилот томонидан жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш ҳамда аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди.



2023 йилнинг 7 июль куни халқаро кузатувчилар "Мадад" ННТ фаолияти билан танишишди.

Президент сайлови муносабати билан кузатувчи сифатида мамлакатимизга ташриф буюрган бир қатор халқаро ва хорижий ташкилотлар вакиллари, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими билан яқиндан танишиш мақсадида, "Мадад" нодавлат нотижорат ташкилотида бўлишди.

Меҳмонлар "Мадад" ННТнинг асосий вазифалари, натижа ва кўрсаткичлари, "Advice.uz" ҳуқуқий ахборот порталини такомиллаштириш борасидаги фаолияти билан танишишди.




Жорий йилнинг 29 август куни “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотига Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги янги тайинланган элчиси Тимоти Смут (Timothy Smart) ташриф буюрди.

Учрашувда ташкилотнинг давлат органлари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги, давлат ижтимоий буюртмаси ва грант маблағларини жалб қилиш, офлайн ва онлайн мурожаатлар билан ишлаш тартиб-таомиллари, ходимлар фаолияти натижадорлигини баҳолаш мезонлари каби масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув давомида томонлар ўзаро манфаатли масалалар, шу жумладан:

фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш жараёнида ходимларнинг касб маҳорати ва кўникмасини ошириш;
аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини таҳлил қилган ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш;
аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини оширишнинг инновацион усуллари, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларини ўрганиш ва фаолиятга татбиқ этиш;
аҳолини бепул юридик ёрдам кўрсатиш фаолияти билан яқиндан хабардор қилиш мақсадида, ижтимоий реклама материалларини тайёрлаш ва эфирга узатиш, шунингдек, ташқи реклама ва ахборот объектларига жойлаштириш каби долзарб масалалар юзасидан ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олдилар.



Буюк Британиянинг “Citizens Advice” миллий ассоциацияси ва “Мадад” ННТ ўртасида ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди.

Жорий йилнинг 13-17 ноябрь кунлари Адлия вазирлиги, “Мадад” ННТ ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакилларидан иборат ишчи гуруҳи Буюк Британияда хизмат сафарида бўлиб, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган “Citizens Advice” миллий ассоциацияси тажрибасини яқиндан ўрганди.

Шунингдек, ишчи гуруҳи “Citizens Advice” миллий ассоциациясининг Лондон шаҳридаги бош офиси ва ҳудудий бюроларига ташриф буюриб, уларнинг иш фаолияти, фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиб-тамойлари, аҳолидан келиб тушаётган сўровларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш мақсадида шакллантирилган маълумотлар базаси (base date) билан бевосита танишди.

Маълумки, Ўзбекистонда ҳам аҳолига тезкор ва қулай бепул юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида Буюк Британия тажрибаси асосида “Мадад” ННТ ва унинг 73 та туман (шаҳар)ларда ҳудудий бюролари фаолият юритмоқда. Аҳолига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш, ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш борасида хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини ўрганиш ушбу нодавлат ташкилотининг асосий вазифаси ҳисобланади.



2023 йилнинг 27-28 ноябрь кунлари Нью Дели шаҳрида Ҳиндистон миллий юридик хизматлар бошқармаси (NALSA) томонидан Халқаро ҳуқуқ фонди (ILF), БМТ Тарққиёт дастури (UNDP) ва БМТ Болалар фонди (UNICEF) билан ҳамкорликда Ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш бўйича биринчи минтақавий конференция ўтказилди.

Ушбу халқаро тадбир мазкур соҳадаги биринчи минтақавий конференция бўлиб, уни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад – бутун дунё бўйлаб ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашишга қаратилган.


Конференцияга Африка, Осиё ва Тинч океани минтақасидан давлат органлари, нодавлат ташкилотлари вакиллари, судьялар, адвокатлар ва экспертлар ташриф буюрди.

Очиқ конструктив мулоқот тарзида ташкил этилган ушбу тадбирда, иштирокчилар ўртасида ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш ва унга тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишнинг долзарб масалалари юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

Минтақавий конференцияда, Ўзбекистон делегацияси таркибида “Мадад” ННТ ижрочи директори Т.Турсунов иштирок этиб, “Юридик ёрдамдан фойдаланиш учун тўсиқларни, шу жумладан, юридик ёрдам хизматларидан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган хизматлар ва воситаларга асосланган танлов мезонларини бартараф этиш масалалари” йўналиши бўйича ялпи сессияда маъруза қилди.



“Рақамлаштириш даврида ҳуқуқ соҳасидаги замонавий чақириқлар” мавзусида Ёш ҳуқуқшунослар форуми бўлиб ўтмоқда. Ушбу форум доирасида “Мадад” ННТга АҚШнинг нуфузли университетлари талабалари ташриф буюриб, Муассаса фаолияти билан яқиндан танишди.



Аҳолига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида Буюк Британия давлати тажрибаси ўрганилди

“Мадад” ННТ вакилларидаан иборат ишчи гуруҳи Буюк Британиянинг аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатишга ихтисослашган Фуқаролар маслаҳати миллий ассоциацияси (National Association of Citizens Advice) ва бошқа нодавлат ташкилотларининг ижобий тажрибасини ўрганиш мақсадида Лондон шаҳрига ташриф буюрди.

Ташриф якунида Буюк Британиянинг “VMC Consulting” ташкилоти ва “Мадад” ННТ ўртасида аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш мақсадида меморандум имзоланди.

